O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 10-mart • Shanba • 30 (27.675) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

❖ Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники!



СИФАТГА ЭЪТИБОР



Пойтахтимизда икки йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «ВИММ БИЛЛ ДАННН Тошкент» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда аҳоли дастурхонига сифатли сут ва сут маҳсулотлари етказиб бермоқда. Инсон организми учун ҳар томонлама фойдали, дармондориларга бой бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қадоқлашда Италия, Франция, Россия ва Туркиядан келтирилган ускуналардан фойдаланилмоқда.

— Ўтган йили маҳсулотларимиз турини 23 хилга етказишга муваффақ бўлдик, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича директори Улуғбек Жабборов. — Улар орасида сут, кефир, парҳезли сузма, йогурт, сариёғ, сметана, қаймоқ ва бошқа маҳсулотлар бор.

Хомашё сифатли, технологиялар замонавий бўлса, албатта маҳсулотнинг харидорлари ҳам кўп бўлади. Ҳозирги вақтда 130 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада кунига 10 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, махсус жиҳозланган автомашиналарда юқори сифати сақланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

●●●

Суратларда: микробиолог Сабоҳат Шукруллаева; цех устаси Баҳодир Қорабоев; муҳандис Аркадий Цой.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2007 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 7 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

9 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисини 2007 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни киритиш режалаштирилмоқда. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни киритилди.

Парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241[1]-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Иод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги, «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги масалаларни ҳам киритиш таклиф этилмоқда. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Кенгаш Олий Мажлис юқори палатаси қўмиталари ҳамда Девонининг тўққизинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

УСТУВОР ИЖТИМОИЙ МАҚСАДЛАР

ЯНГИ ТАШАББУСЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча ташкилотларида партия кенгашлари, тузилмалари ва депутатлик гуруҳларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажаришдаги иштироки ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 12 февралдаги мажлисида Ўзбекистон Президенти томонидан қўйилган устувор ижтимоий масалаларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалари кенг муҳокама қилинмоқда.

Кеча ЎзХДП Сирдарё вилоят ташкилотлари фаоллари иштирокида мазкур масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қўйилган аҳолини тўлақонли банд этиш борасидаги вазифаларни амалга ошириш, халқимизнинг фаровонлиги ва турмуш даражасини кўтариш, уй-жой-коммунал соҳасини ислоҳ қилишни изчил давом эттириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

2007 йилда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг йўналиши айни ЎзХДП электоратининг манфаатларига хизмат қиладиган масалалардан иборат. Ўз навбатида бу ЎзХДП барча бўғинлари ва депутатлик гуруҳларининг партия Дастуридаги асосий ижтимоий устуворликларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатларини кучайтиришга, қилинаётган амалий ишлар самарадорлигини кўтаришга даъват этади. Шу боис, муҳокамада таъкидландики, ЎзХДП кенгашлари тегишли депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорликда маҳаллий Кенгашлардаги ХДП депутатлик гуруҳларининг «Ижтимоий ҳимоя йили»даги устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳаракат дастурларини белгилаб олиши лозим. Бу вазифаларни аниқ ва самарали амалга ошириш Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, депутатлар ва фаолларининг масъулиятини жиддий кучайтиришни талаб этади. Шунингдек, туман ва шаҳар партия кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш зарур.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги асосий тадбирлардан кўзланган мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, яъни ЎзХДП электорати манфаатларини қўллаб-қувватлашдир. Бу эса партия қуйи бўғинларидан асосий эътиборни электорат манфаатларига қаратишни талаб қилади. Маълумки, партиянинг энг қуйи бўғини — бошланғич ташкилотлар бевосита электорат билан ишлайди. Шунинг учун ҳам бошланғич партия ташкилотларининг имкониятларидан ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг асосий объекти эмас, партиянинг электорат билан бевосита иш олиб борадиган ҳамда «партия–электорат» ҳамкорлигини таъминлайдиган муҳим восита сифатида фойдаланиш лозим.

Сўзга чиққанлар партия ташкилотлари «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажаришда фаол иштирок этиши, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун куч ва имкониятлар етарли эканлигига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

❖ Муносабат

ҚАДРЛАНГАННИНГ ҚАДДИ ТИК БЎЛАДИ

Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригида аёл шаъни, қадр-қиммати, нуфузи ва мавқеи яна бир бор улуғланди. Мазкур табрик онахонларимиз, опа-сингилларимиз, лобар қизларимизни руҳлантирди, қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди, ўз кучларига бўлган ишончларини янада оширди. Буни таҳририятимизга бўлаётган қўнғироқлар, опа-сингилларимизнинг билдираётган сўзлари ҳам ёрқин исботлаб турибди.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Меҳнат қилаётган, яратаётган, қалб гўзаллигини саодат, осойишталик, тўкинчилик учун бағишлаётган бугунги кун аёлининг унвонлари кўп. Барибир оналик унинг энг олий унвони. Севиб қараган кўзга аёлнинг фазилатлари ҳам кўп. Аммо уни энг гўзал кўрсатадиган фазилати — меҳрибонлиги. У бошдан-оёқ меҳрнинг мужассами бўлса-да, кўнглида ҳамиша шу ҳиссиётга эҳтиёж сезади. Мамлакатимиз Президентининг байрам муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган табрикларида ҳам ана шу бебаҳо туйғуни ҳис этдик.

Истиқлол аёлнинг юз бир имконини кашф этди. Ўзбекистон спорти, санъатининг бугунги ютуқларида опа-сингилларимизнинг жуда катта ҳиссаси бор. Аммо биз кўп сонли халқмиз. Кўпнинг орасида истеъдодлилар ҳам кўп бўлади. Президентимиз: **«...уларнинг истеъдод, билим ва тажриба, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида ҳали-бери мавжуд бўлган кўпгина тўсиқ ва муаммоларни ечиш вазифаси олдимизда турганини унутмаслигимизни истардим.»** деганларида айнан ўша истеъдодлиларни назарда тутганлар. Чунки бир аёлнинг истеъдоди юзага чиқса, ҳаётда ўрнини топса, унинг эришганлари, топганлари фақат ўзи билан қолиб кетмайди. Оила қурса, унинг нурлари бутун оилани ёритади, фарзандлар умрига ҳарорат, мунавварлик беради.

Давлатимиз раҳбари табрикларида: **«...аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш»** иборасини қўллаганлар. Бунда жуда катта ҳикмат кўрдик. Тўғри, аёл — қудратли зот. Агар фарзанд ҳимояси, ўзининг ор-номуси, юрт шаъни билан боғлиқ муаммоларга дуч келганда яна ҳам фавқулодда куч-қудрат касб этади. Аммо у барибир кўнгил одами. У кимгадир суянгиси келади. Ана шу суянишдан, ўзини гулдай нозик, нафис ҳис этишдан саодат топади. Айнан шунинг учун, Юртбошимиз айтганларидай, унинг оғирини енгил қилиш қадрини кўтаради.

Аёлга, онага эҳтиром кўрсатиш ҳам улкан саодатдир. Уни кўнгли баланд, сокин, нигоҳларини нурли кўриш — энг улуғ адолатдир.

Табрикдаги ҳар бир теран фикрларни ана шундай ҳақиқат бирлаштиради. Биз — аёллар ана шу фикрдан куч олдик.

«ЖАМИЯТНИНГ ФИДОЙИ АЁЛЛАРИ»

Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси ташаббуси билан «Санъат гулшани» маданият саройида «Жамиятнинг фидойи аёллари» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятида узоқ йиллардан буён меҳнат қилаётган аёллар иштирок этдилар. Тадбирни жамият бошқаруви раиси ўринбосари Бахтиёр Абдужабборов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида тўхталиб, йиғилганларни Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклади.

Жиззах, Тошкент вилоятлари кўзи ожизлар жамияти бошқаруви раислари Санобар Эргашева, Фарида Ҳасанова ва бошқалар сўзга чиқиб, кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорчилик билдирдилар. Шундан сўнг Тошкент шаҳар махсус кўзи ожиз болалар мактаб-интернати ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Маъмуржон МАҲМУД

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

АЁЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

ЎзХДП Марказий Кенгашининг «Фаол аёллар» қаноти ва Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди. Муқимий номли мусиқали ва драма театрида ташкил этилган анжуманда партия электоратининг бир гуруҳ вакиллари — таълим, тиббиёт соҳасидаги хотин-қизлар, маҳаллалар фаоллари, ёшлар иштирок этдилар. ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова ва Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Учқун Шойимқулов иштирокчиларни байрам билан табриклаб, уларга партиямизнинг дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда хотин-қизларнинг иштироки ҳамда ЎзХДПнинг «Фаол аёллар» қаноти фаолияти хусусида гапириб бердилар.

Тадбир иштирокчиларига Муқимий номли мусиқали ва драма театри ижодкорлари томонидан «Жайдари келин» номли спектакль намойиш этилди.

✧✧✧

Навоий шаҳар педагогика коллежида бўлиб ўтган «Ватанга содиқ фарзандларни меҳрибон оналар тарбиялайди» мавзуидаги тадбир **ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши** томонидан ташкил этилди. Унда кекса онахонлар, фаол хотин-қизларга тадбир ташкилотчилари томонидан байрам совғалари топширилди.

✧✧✧

Сирдарё вилоят партия кенгаши Гулистон давлат университети талабалари ва педагогика коллежи ўқувчилари иштирокида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Сиз оила қуришга тайёрмисиз?» мавзуида тадбир ўтказди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЎзХДП Ширин, Янгиер шаҳар ва Оқолтин туман кенгашларида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида семинарларнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. «Миллий ғоя ва Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари — Ўзбекистон ХДП сиёсий мафкураси асоси» мавзуида бўлиб ўтган ўқув семинарида бошланғич партия ташкилоти раислари, тарғиботчилар, партиядан сайланган депутатлар, маҳалла оқсоқоллари, партия аъзолари ва электорат вакиллари маърузалар тингладилар.

✧✧✧

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши Урганч шаҳридаги «Янги ҳаёт» маҳалласида вояга етмаган ёшлар ва ота-оналар, маҳалла фаоллари иштирокида «Гиёҳвандлик — умр заволи» мавзуида учрашув ташкил қилди. Иштирокчилар ёшларни спортга қизиқтириш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, оила, ватанга муносиб фарзанд бўлиш ҳамда ота-онанинг бурчи ва маъсулияти ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

✧✧✧

Хонқа туман партия кенгаши томонидан «Аёл билан гўзал бу олам!» мавзуида байрам тадбири ташкил этилди. Фаол хотин-қизлар, партия фаоллари, меҳнат фахрийлари иштирокидаги тадбирда туман кенгаши раиси Аҳмаджон Воисов хотин-қизларни байрам билан табриклади. Онахонлар, лобар қизлар ва энг намунали хонадон соҳибаларига байрам совғалари улашилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ ЎзХДП вилоят кенгашларида

МАСЪУЛИЯТ, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ЖОНКУЯРЛИК

СЎЛ СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИДА АСОСИЙ МЕЗОН БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ ДЕЯ ТАЪКИДЛАНДИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП БУХОРО, СУРХОНДАРЁ, НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИ ҲАМДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИДА

Уларда партия ташкилотларининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури бажарилиши ҳамда Ўзбекистон Президенти томонидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 12 февралдаги мажлисида қўйилган устувор ижтимоий масалаларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалари кўриб чиқилди.

Партия ташкилотлари томонидан электорат манфаатларини ҳимоя қилишда Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти кўл келяпти. Партия аъзолари, фуқаролардан тушган 700 га яқин мурожаат, мулоҳаза, муаммоларнинг кўпчилиги ўз ечимини топди.

— Партия аъзоларининг қайта рўйхатдан ўтказилиши сафларимизнинг жипслашиши, фаоллигимизнинг ортишига хизмат қилди, — деди вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева, — Сафдошларимизда фаол фуқаролик позицияси намоён бўла бошлади. Аммо, булар ҳали етарли даражада эмас.

— Мазкур йилдаги асосий мақсадимиз, — деди халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати Меҳмонқул Янгиев, — электоратимизнинг ижтимоий ҳимояси борасидаги ишларнинг самарадорлигини оширишдир. Шунинг учун партия кенгашлари, депутатлик гуруҳлари фаолларимиз олиб бораётган ишларни янада такомиллаштириш зарур.

— Ёшлар партиянинг таянчи, — деди олотлик ХДП фаоли Саид Оққиев. — Лекин, бизнинг туманимизда улар билан ишлаш борасидаги ишлар қувонарли эмас. Ахир, қачонгача ўз салоҳиятимиздан фойдалана олмай юрамиз?

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб пленумда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада яхшилаш, депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, мафкуравий ишларда ёшлар тарбиясига урғу бериш, фаол хотин-қизлар сафини кенгайтириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Баҳодир Норов сўзга чиқди.

✧✧✧

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг пленумида вилоят кенгаши раиси Ҳамро Эрматов маъруза қилди.

Ортда қолган йилда партия ташкилотлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббускорликни кучайтирди. Хусусан, Жамоатчилик қабулхоналари, партиядан сайланган депутатлар, депутатлик гуруҳларининг электорат манфаати йўлида амалга оширган тадбирлари ибратли бўлди. Масалан, 2006 йил 26 августда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг VI сессиясига ЎзХДПдан сайланган депутатлар ташаббуси билан «Вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳволи ҳақида»ги масаланинг киритилиши ва бунга маҳаллий ҳокимиятнинг алоҳида эътибори туфайли вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ижобий силжишлар юз берди.

Таъкидлаш керакки, «Ижтимоий ҳимоя йили» ЎзХДП тузилмалари зиммасига алоҳида масъулият юклади. Бу йилда ўтказиладиган тадбирлардан асосий мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, яъни партия электорати манфаатларини қўллаб-қувватлашдир. Шундан келиб чиқиб, пленумда партия ташкилотларининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини оширишга доир вазифалар белгилаб олинди. Маърузадан сўнг музокараларда кўплаб фаоллар сўзга чиқиб, ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

✧✧✧

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев маърузасида таъкидландики, 2006 йилда партия ташкилотлари томонидан аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Айниқса, партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан тушган мурожаатларга кўра уларни ишга жойлаштириш, кўча ва хонадонларга ичимлик суви етказиш, шаҳар ва туманларнинг бир қатор чекка ҳудудларида транспорт хизмати кўрсатишни тартибга солиш борасидаги амалий ишлар одамларнинг партиямизга ишончини мустаҳкамлади. ЎзХДПдан сайланган Марҳабат Болтабоева, Ҳабиб Раззоқов, Зиёвиддин Мансуров, Наимжон Раҳимов, Рустамжон Шокиров, Рустамжон Нуриддинов, Муҳсинжон Бобохонов каби депутатларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ана шундай қатор масалаларга ечим топилди.

Пленумда партия кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада жонлантириш, депутатлик гуруҳлари, шунингдек, «Истиқбол ёшлар» ва «Фаол аёллар» қанотларининг фаоллигини оширишга доир вазифалар белгилаб олинди.

Пленум ишида ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов иштирок этди ва сўзга чиқди.

✧✧✧

Ўзбекисон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг навбатдаги пленумида кун тартибидаги масала юзасидан кенгаш раисининг ўринбосари Алписбой Ибодуллаев маъруза қилди. Унда таъкидландики, партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишда уларнинг сони бирмунча камайган. Лекин, партия ташкилотлари сафида асосан, ташаббускор, ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида фаол бўлган кишилар қолди. Сўнгги пайтларда эса изланувчан, интилувчан ёшлар ва хотин-қизлар партия сафига қўшилмоқдалар. Ўтган йили май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ҳамда маслаҳатчиларга бўлиб ўтган сайловларда республика бўйича 377 та фуқаролар йиғининг 181 тасига ЎзХДП аъзолари раисликка сайланди. Шунингдек, 2686 нафар маслаҳатчидан 821 нафари ЎзХДП аъзоларидир.

Партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари электорат вакилларига хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлаяпти. Ҳозиргача мурожаатлар сони 500 дан ошган ва уларнинг 78 фоизига амалий ёрдам кўрсатилган.

Пленумда партия кенгашлари, аъзоларнинг ташаббускорлиги, фаоллигини янада ошириш, электорат манфаатларини ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган амалий ишларни кучайтириш ҳамда маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга жиддий эътибор бериш лозимлиги таъкидланди.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
Даврон БАҲРОНОВ,
Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
Носиржон ДЕҲҚОНОВ
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

●●●

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг пленумида ташкилий масала кўрилди. Абдумалик Қўчқоралиев вилоят партия кенгаши раиси вазифасидан озод этилди. Партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши раиси бўлиб ишлаб келган Алишер Тошматов Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг раиси этиб сайланди.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов қатнашди ва сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«МЕҲРГИЁ»НИНГ ШИФОБАХШ ЧОЙЛАРИ

Суратда: ишчилар Наргиза Дўстматова ва Ҳаётхон Турдиалиева.

Учкўприк туманидаги «Меҳргиё» кичик корхонасида тайёрланаётган шифобахш чойлар юртимизда машҳур бўлиб бормоқда.

— Ишбилармонларга ҳукуматимиз томонидан қулай шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда, — дейди корхона раҳбари Алижон Абдуразоқов. — Биз ҳам бу ғамхўрликка ўзимизнинг самарали меҳнатимиз билан жавоб беришга интилмоқдамиз. Шунинг учун ички имкониятларимизни ишга солган ҳолда меҳнат унумдорлигини оширишга, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпмиз.

Изланишлар ўз натижасини бермоқда. Корхонада кейинги вақтда шифобахш чойларнинг 20 дан ортиқ тури яратилди.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

❖ Муносабат

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти — АЙСЕСКОнинг Тошкентни 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилиши муносабати билан Президентимизнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси кўпчилик юртдошларимиз қалбида чуқур акс-садо берди. Улар мамлакатимизда улуғланаётган диний-миллий қадриятлар, ўзликни англаш борасида қилинаётган хайрли ишлар ана шундай юксак эътирофга лойиқ эканлигини айтишмоқда.

ЮРТИМИЗ ШАРАФГА МУНОСИБ

Аҳмад УБАЙДУЛЛОҲ, шарқшунос олим:

— Исломга эътиқод қилувчи халқлар тарихига назар ташласак, ислом динининг барқарор ривожи ва қадр топиши учун бизнинг ватандошларимиз, айниқса, алоҳида эътибор билан хизмат кўрсатганига амин бўламиз. Масалан, Имом ал-Бухорийнинг Қуръони каримдан кейинги бебаҳо манба бўлмиш «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» асари бугун ҳам мусулмон оламида юқори ўринда туради.

Биз Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя» асари дунё давлатлари яратган қонунларнинг аввали эканидан фахрланишга ҳақлимиз. Шунингдек, аждодларимиз томонидан бунёд этилган меъморий обидалар, ноёб ёдгорликларимиз уларга мустақиллик йилларида берилган эътибору эъзоз Ўзбекистонимизнинг чинакам маънавият ўчоғи, ислом маданиятининг маркази бўлишликка муносиблигини тасдиқлайди. Зеро, аждодлар қадри билан келажаги қад тикланаётган Ўзбекистонимизда бу қадар улуғвор ишларга давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзлари ташаббускор бўлиб келаётганликлари ҳам халқимизнинг илму маърифатга муҳаббатини юксалтириши табиий.

Собир ҳожи ЭМИНОВ, Марғилон шаҳар Хонақо масжиди имом-хатиби:

— Минг шукурки, юртимиз узра кезган истиқлол шабадалари боис ҳаётимизда мусулмон динига хос қоида ва арконлар тикланди, мамлакатимизда юзлаб янги, ҳашаматли масжид ва мадрасалар қурилди. Бой маънавий меросимиз кенг ўрганила бошланди. Ўзбекистондаги дин аҳли барча исломий арконларни эмин-эркин бажараяпти, бунга кенг йўл очиб берилмоқда. Динимизни пок сақлаш, уни ҳар хил ғаразли хуружлардан ҳимоя қилиш мақсадида тегишли тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Барча қатори Ўзбекистондаги дин аҳли, мусулмонлар Тошкент шаҳрига Ислом маданияти пойтахти номи берилганлигидан бағоят миннатдор. Айни пайтда биз, Юртбошимиз Ислом Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида айтганларидек, **«Мамлакатимизга нисбатан билдирилган «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак эътибор ва ишончни амалий ишлар билан оқлашга эришамиз, албатта».**

Муҳаммад АЗИМОВ, «Сурхон тонги» газетаси бош муҳаррири:

— Азим пойтахтимизнинг бундай мўътабар номга сазовор бўлиши учун барча асослар бор ва у шундай шарафга муносиб. Мустақиллик йилларида муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида диний-миллий қадриятларни тиклаш, аждодларимизнинг муқаддас хотирасини эъзозлаш, улар меросини улуғлаш ва тарғиб қилиш, қурдирган обидаларни таъмирлаш, обод қилишга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўтган қисқа вақт мобайнида Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний мақбара-ёдгорликлари ва бошқа ўнлаб обидалар обод этилди, уларнинг маънавий мероси ўрганилмоқда.

Жумладан, Сурхондарё воҳасидаги Ал Ҳаким ат-Термизий мақбараси тўла таъмирланди ва бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. Бундан ташқари, Имом Термизий, Султон Саодат, Кокилдор Ота, Сўфи Оллоёр масжиди ва бошқа ўнлаб ёдгорликлар ҳам тўла тикланиб, муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди. Собир Термизий, Мунжик Термизий, Жалолиддин Термизий, Аҳмад Устурлобий-Чағоний ва бошқаларнинг меросини ўрганиш ва асарларини чоп этиш бўйича ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Ҳолбуки, шўролар даврида йиллар давомида бу меросимиз эътиборсиз қолдириб келинган.

Бир сўз билан айтганда, Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг тўғрилиги ва бу Халқаро ислом ташкилоти томонидан юқори баҳоланаётганини кўрсатди.

❖ Таҳлил, қиёс ва режа

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС РИВОЖИ

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида айтилган кўрсатмалар бунинг яққол далилидир. Маърузада мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган жараёнлар ҳар томонлама таҳлил этилибгина қолмай, ечимини кутаётган энг долзарб масалалар ва иқтисодий тараққиёт йўналишлари ҳам белгилаб берилди.

Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимизда 2006 йилда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 10,8, истеъмол товарлари — 20,6, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш — 6,2, пулли хизматлар — 19,3, пудрат қурилиш ишлари — 12,8 фоизга кўпайди. Энг муҳим кўрсаткичлардан бири — инфляция даражаси 6,8 фоизга пасайди.

Мамлакатимиз Президенти 2007 йилда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим еттита устувор йўналишни белгилаб бераркан, **«кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу асосда аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш»**дан иборат деб, алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарвоқе, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳолининг бандлик масаласини ҳал қилиш каби муҳим тадбирлардан бири, бу — хизмат соҳасини ривожлантириш. Юртбошимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва ҳукуматимиз томонидан шу кунларда ишлаб чиқилаётган 2006-2010 йилларда хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурига кўра, 2007 йилда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 42-43 фоизга етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини жорий этиш, аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда одамларни иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролини ошириш чора-тадбирлари кўзда тутилаяпти.

Таъкидлаш керак, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида талайгина ибратли ишлар қилинди. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари сингари янги истиқболли турларини ривожлантириш ҳисобига такомиллашди. Оилаларни маиший техника, компьютер ва шахсий автотранспорт турлари билан таъминлаш даражасининг ошиши ҳам уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кўпайишига имкон яратмоқда.

Аммо, тан олиш жоиз, амалиётда мазкур соҳани ривожлантиришда ҳали жиддий камчиликлар йўқ эмас. Айниқса, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаси қишлоқларда бирмунча суст. Ҳолбуки, жабҳа соҳа жуда катта маблағ талаб қилмайдиган, кичик ва хусусий тадбиркорлик тез ривожланишига имкон берадиган муҳим соҳадир.

Соҳанинг яна бир муҳим жиҳати, қишлоқда ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишга яқиндан кўмак берувчи тизим эканлигидир. Шу боисдан, Президентимиз юқорида тилга олинган маърузасида **«Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганлигига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди»**, дея кўюндилар. Негаки, гарчанд мамлакатимизда соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 30 фоизни, 2005 йилда — 38,3, 2006 йилда — 39,5 фоизни ташкил қилган бўлса-да, дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу кўрсаткич 60-80 фоизгача етмоқда ва иқтисодиётларида банд бўлган аҳолининг 70 фоизи айни шу соҳада фаолият кўрсатмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда Президентимиз соҳани жадал ривожлантириш зарурлигига ва биргина 2007 йилда унинг ЯИМдаги улушини 42-43 фоизга етказиш кераклигига катта эътибор қаратди. Зеро, хизмат ва сервис соҳасидаги сусткашлик аҳолининг истеъмол харажатлари таркибига ҳам сезиларли таъсир қилади. Масалан, бизда ҳозир бу кўрсаткич бор-йўғи 15,4 фоизни ташкил этмоқда. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда у 50-60 фоизгача бормоқда.

2006-2010 йилларда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида белгиланган вазифаларга кўра, хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини жорий йилда 42-43 фоизга, 2010 йилда эса 49 фоизга етказиш белгиланган; соҳада бандлик масаласига алоҳида эътибор берилиб, 2010 йилда банд аҳоли сони 1,6 мартага кўпайиши кўзда тутилди. Хусусан, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший ишлар, уй-жойларни таъмирлаш, қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш, машина трактор парклари тўлдириш соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш масалалари диққат марказида бўлади. Хизматларнинг янги истиқболли турлари — юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқа хилларини ҳам ташкил этиш ҳаракатлари кучайиб, уларда ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланади. Дастур тадбирлари ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси мониторинг ўтказиб боради ва йилнинг ҳар чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги ва йиллик ҳисоботларини эшитади.

2007 йилда амалга ошириладиган вазифалардан яна бири, бу — меҳнат билан банд бўлмаган ва ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли тоифаларини аниқ белгилайдиган ўлчовларни Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқиш методикасини такомиллаштиришдир. Бу масала амалиётчилар билан биргa назариётчи олимлар олдига ҳам муҳим вазифалар юклайди. Хусусан, аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятларини ўрганиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида статистика маълумотларини тўплаш тизими йўлга қўйилади. Тадбиркорлик ривожи учун уларга солиқ имтиёзлари берилади. Зотан, Юртбошимиз 2006 йил якунлари ва 2007 йил вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида: **«Биз иқтисодиётимиз таркибида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.**

Бугунги кунда мазкур соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 39,5 фоизи яратилмоқда, унда иқтисодиётда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 58 фоизи фаолият юритмоқда... 2010 йилгача саноатнинг, шу жумладан қурилиш индустриясининг ялпи ички маҳсулотлари улушини босқичма-босқич 24-26 фоизгача, хизмат соҳасининг улушини 45-47 фоизгача кўпайтириш даркор», деб алоҳида қайд қилиб ўтдилар.

Хулоса қилиб айтганда, сервис соҳасини ривожлантириш — бандлик муаммосини, айниқса, хотин-қизлар ва қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилалар даромадини кўпайтириш, охир-оқибатда мамлакат аҳолиси фаровонлигини ошириш имконини беради.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори
Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ромитан туманидаги «Ромстар» қўшма корхонасига буюртмачилар ҳамда бухоролик пилла етиштирувчиларнинг ишончи тобора ошмоқда. Ўтган йили касаначилик асосида пилла етиштирувчилар қўшма корхона хомашё омборини мўлжалдагидан анча кўп – 400 тонна «кумуш тола» билан тўлдирди.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Замонавий хориж дастгоҳлари билан жиҳозланган корхонада тайёрланаётган ипак тола сифати юқори. Шу боис халқаро бозорда унга талаб катта.

— Ўтган йили Эрон, Туркия, Вьетнам сингари мамлакатлардаги буюртмачиларимизга бир миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотдик, — дейди қўшма корхона директори Аҳмад Каттаев. — Бу 2005 йилдагига қараганда уч баравар кўпдир.

Корхонада ишчилар сони уч юз нафардан ошди. Уларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам иш сифати ва суръатига монанд. Жамоа жорий йилда ишлаб чиқариш қуввати ва экспорт ҳажмини янада оширишни режалаштирган.

Тез орада «Ромстар»нинг Хива шаҳрида филиали иш бошлайди.

Э. ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири

МИКРОКРЕДИТБАНК: «БИЗГА МИЖОЗМИСИЗ, КЕЛИНГ!»

Чевар Одинахон Қосимова банкнинг вилоят бошқармаси биносига иккиланиб қадам қўйди. «Мақсадимга қандай муносабатда бўлишаркин?», деган ўй билан кредит бўлимидагиларга рўпара бўлди. Бахтни қарангки, у ердагилар унинг ниятини қизиқиб тинглашди ва:

— Ҳужжатлар ҳаракати сиздан, хизмат биздан, — дейишди.

— Бунчалик тез микрокредит олишни кутмагандим, — дейди у бугун хурсанд бўлиб. — Қизим билан уйда чеварчилик қиламиз... Микрокредит оилавий маблағимизга қут-барака индириб, ишимизга мадад берди. Замонавий тикув машиналари сотиб олаяпмиз... Қўшнимизнинг ҳам икки қизи ёнимизга келди...

Ўтган йил май ойида «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил топган «Микрокредитбанк» тармоқлари бугун Андижон вилоятида ҳам тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш ва микролизинг хизматлари кўрсатиш борасида аҳолининг кенг қатлами ҳурматига сазовор бўлмоқда. Айниқса, хусусий тадбиркорлик равнақи учун шарт-шароитлар яратиш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятида оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш соҳа ходимларининг диққат марказида турибди. Зеро, улар айни шу йўллар билан янги иш ўринлари яратиш ва қишлоқ жойларида молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишга ҳам эришмоқдалар. Хусусан, меҳнат қилишга тайёр, қўлидан иш келадиган ўқувли-уқувли кишиларга тадбиркорликни бошлашлари учун сармоя ажратиш билан бирга, уларга хизматнинг ҳар хил турлари (масалан, лизинг, факторинг) орқали зарур асбоб-ускуналар, техника ва бошқа жиҳозлар олишда ҳам кўмаклашаяпти.



Бошқарманинг туманларда 16 та мини-банки ва 8 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг дастлабки икки ойидаёқ мижозлари сони 571 тага кўпайди. Аксариятини оилавий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусий корхона ҳамда бошқа ҳуқуқий субъектлар ташкил этади.

— Ўтган йилнинг июнь ойидан ҳозиргача мижозларимиз салкам 2 мингтага кўпайди, — дейди бошқарма микрокредит бўлими бошлиғи Нодирбек Ибрагимов. — Уларни «мижозмисиз, келинг, марҳамат!» — дея кутиб олаяпмиз. Масалан, Андижон шаҳар, Бўстон даҳасида кулолчилик йўналишида меҳнат қилаётган Дониёрбек Жалиловга берилган микрокредит унга катта моддий дармон бўлди. Кулол маҳсулоти учун керакли бўлган тупроқ ва бошқа зарур бирикмаларни ҳеч муаммосиз топиш имконига эга бўлди, дастгоҳлар олди, янги иш ўринлари яратди, хуллас, ишларини яхши йўлга қўйиб олди.

Избоскан туманидаги «Мирзаёқуб» хусусий корхонаси бошлиғи Илҳомжон Мирзаев ҳам банк мадади билан мебелсозликка қўл урди. Ҳозир у фоизларини вақтида қайтариб, соф даромад олишга киришди. Шаҳрихонлик уй бекалари Ҳаётхон Акромова, Зарифа Халилова, Андижон туманидан Акбаржон Назаров сингари ўнлаб касаначи ва хусусий тадбиркорларнинг иш фаолиятларидан ҳам шундай мисоллар келтириш мумкин...

Мухтасар айтганда, банк жамоаси бугун вилоятнинг чекка ҳудудлари ва қишлоқ жойларида аҳолини микромолиявий хизматлар билан таъминлаш юзасидан «Ижтимоий ҳимоя йили» учун белгиланган дастур ижроси бўйича амалий ишларни бажармоқда. Жумладан, яқинда Пахтаобод туманининг Уйғуробод қишлоғи маҳаллаларига 40 миллион сўм микрокредит ажратилишидан хабар топган аҳоли банк маъмуриятига миннатдорлик мактуби йўллади.

Аҳмадилла СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар, сотиб олинг ва мулкдор бўлинг!

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази масъулияти чекланган жамияти Наманган филиали

ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари республика бўйича Ягона электрон тизимда ўтказилаётган биржа савдоларига таклиф этади.

Навбатдаги биржа савдоларига қуйидаги мулклар қўйилган:

1. Наманган вилояти хўжалик судининг 2006 йил 30 майдаги №16-0501-5650 сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, Косонсой тумани, Мираҳмедов кўчаси, 28-уйда жойлашган «Косонсой текстил» қўшма акциядорлик корхонаси кредиторларининг 2007 йил 19 февралдаги йиғилиш қарорига асосан савдоларга қўйилаётган «Косонсой текстил» қўшма акциядорлик корхонаси мужассам ҳолда. Умумий фойдаланадиган ер майдони — 9.33 гектар.

Бошланғич баҳоси — 6 528 927 000 сўм.

Биржа савдолари ҳафтанинг душанба, шанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 15.00 да республика бўйича Ягона электрон тизимда ўтказилади. Биржа савдосида қатнашиш учун харидорлар амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг Универсал биржа марказида биржа савдоларини ўтказиш қоидаларига ва белгиланган тартибда тегишли малака сертификати ва шаҳодатномага эга бўлган брокерларни ёллаган ҳолда ва хизмат кўрсатувчи банкдан тўлов қобилияти тўғрисида маълумотнома тақдим этиб қатнашишлари мумкин.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Наманган шаҳар, У.Носир кўчаси, 7-уй.
Телефон: (8-369) 226-70-61, 226-94-87.

Лицензия №DB001-000010

Имкониятни қўлдан бой берманг, кўчмас мулк кетмас давлат эканлигини унутманг!

XORIJDA

КЕЛГУСИ ЙИЛ КУЗГАЧА

АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий контингентини келгуси йил августдан кечиктирмай Ироқдан олиб чиқиб кетиш бўйича Демократик партия вакиллари томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси Конгресснинг Вакиллар палатаси этиборига ҳавола этилади. Бу ҳақда Вакиллар палатаси спикери Нэнси Пелоси матбуот анжуманида журналистларга маълум қилди.

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, келгуси ҳафтада ушбу ҳужжат юзасидан муҳокамалар бошланади.

Қонун лойиҳасида Америка қўшинини олиб чиқиб кетиш жараёнлари шу йил июлдан бошланиб, келгуси йил мартда якунланиши, охирги аскар Ироқни августда тарк этиши лозимлиги баён этилган.

Оқ уй маъмурияти Вакиллар палатасига киритилажак бу ҳужжат тўғрисида ҳозирча ҳеч нарса демаяпти. Негаки, мамлакат президенти Жорж Буш ва унинг ёрдамчилари ҳозир Лотин Америкасидаги бешта давлат бўйлаб олти кунлик сафарда юрибди.

Дарвоқе, АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий контингентининг янги бош қўмондони (шу йил февралда тайинланган), генерал Дэвид Петреус баёнот беришича, Ироқда авжга минаётган қаршиликларни, зўравонликларни АҚШ етакчилигида иттифоқчи кучлар ҳарбийлари ва Ироқнинг ҳукумат қўшинлари бартараф этишга қодир эмас. Мазкур инқироздан чиқиш учун айрим жангари гуруҳлар етакчилари билан сиёсий мулоқотга киришиш лозим.

Генерал шунга амин бўлганлигини таъкидламоқдаки, жангарилар қуролларни топшириши даргумон, аксинча, улар қаршилик кўрсатишни янада авж олдирмоқдалар, — дейилади «BBC Russian» ахборотида. — Улар Бағдодда тартиб ўрнатиш бўйича бошланган янги операцияни барбод этишга ҳаракат қилишмоқда.

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ ВАҚТИНЧА ТАҚИҚЛАНДИ

Бангладешнинг муваққат ҳукумати мамлакатда ҳар қандай сиёсий фаолиятни вақтинча тақиқлади.

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, кўчаларда норозилик намойишлари ўтказиш, митинглар ва мажлислар уюштириш шу йил 11 январдаёқ, яъни мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинган куниёқ тақиқланган эди. Бироқ, — дейилади Бангладеш Ички ишлар вазирлиги баёнотида, — айрим сиёсий партиялар ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилмоқдалар. Шу муносабат билан барча учун сиёсий фаолият алоҳида кўрсатма бўлмагунча тақиқланади.

Ҳозир амалда бўлган муваққат ҳукумат шу йил январда бўлиб ўтган сайлов натижалари бекор қилингач, мамлакатда авж олиб кетган рақобатчи сиёсий партиялар тарафдорларининг норозилик чиқишларини бартараф этиш, бошбошдоқликнинг олдини олиш учун ҳокимият тепасига келган ва ўша заҳоти мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этган.

Армия қўллаб-қувватловидаги ушбу ҳукумат ҳозир коррупцияга қарши янги кампанияни бошлаб юборди. Куни кеча собиқ бош вазир Холид Зии ва марҳум президент Зияур Раҳмоннинг ўғиллари коррупцияга алоқадорликда гумон қилиниб, қўлга олинди. Шунингдек, бир қанча лавозимдор шахсларнинг уйларида тинтув ўтказилди.

ЖАЗОГА ТОРТИЛМАЙДИ

Маълумки, Португалияда ҳомилани олдирганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш жазосини бекор қилиш ёки амалда қолдириш масаласи бўйича шу йил февраль ойи бошида умумхалқ референдуми ўтказилган эди.



Аҳолининг асосийсини католиклар ташкил этувчи ушбу мамлакатда фақат фавқулодда вазиятлардагина, яъни масалан, онанинг ҳаётига хавф туғилсагина болани аборт йўли билан олдиришга қонуний рухсат этилади. Бошқа ҳолларда эса ҳомилани олдириш 1984 йилда қабул қилинган қонунга кўра, аёллар 3 йилгача, гинеколог-шифокорлар эса 2 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан «сийланади».

Лекин кўпчилик аҳоли бундай жазо бекор қилиниши тарафдори эди, шунинг учун референдумда «Сиз ҳомилани тиббий йўл билан олдирганлик учун жиноий жавобгарлик жазоси бекор қилинишига розимисиз?» деган саволга «Ҳа» деб жавоб берганлар кўп бўлди.

Ушбу масала 1998 йилда ҳам кун тартибига чиққан эди. Ўшанда иштирокчиларнинг 50,91 фоизи жазони бекор қилиш учун овоз берган бўлишига қарамай, референдум ноқонуний деб топилганди, яъни ўшанда 68,06 фоиз иштирокчи овоз бериш участкаларига бормаган.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, мамлакат қонунчилигига кўра, агар овоз берувчиларнинг ярми тадбирда иштирок этмаса, референдум ўтмаган ҳисобланади.

Куни кеча Португалия парламенти абортга қонуний рухсат берилиши ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллаб овоз берди. Энди бу қонун лойиҳасига республика президенти имзо чекса бўлди, у кучга киради.

ЎЗБЕКИСТОН ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

шолининг истиқболли

«Авангард», «Лазурный», «ЎзРОС 7-13», «Искандар», «Истиқбол», «Истиқлол», соянинг **«Ўзбек-6»** сингари

юқори репродукцияли, сертификат билан ҳимояланган навлари уруғларини келишилган нархда, нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан сотади.

Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Авангард қўрғони.
Телефон: 351-45-95.

2036 ЙИЛ 13 АПРЕЛДА...

Газетамизнинг аввалги шанба сонида ЎзР ФА Астрономия институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, физика-математика фанлари номзоди Собит ИЛЁСОВ астероидлар ва метеоритлар, уларнинг она сайёрамизга хавфи борасидаги саволларимизга жавоб қайтарган эди. Бугун эса астероидларни илмий ўрганиш, Ерга хавфининг олдини олиш бўйича дунё олимлари ва соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Собит Пўлатович, аввалги суҳбатимизни давом эттириб, дунё ва Ўзбекистон олимлари олиб бораётган илмий ишлар ҳақида тўхталсангиз.

— Хўп, у ҳолда эшитинг. 1997 йилдан бошлаб АҚШнинг Паломар обсерваториясидаги 46 сантиметрли Шмидт камераси ёрдамида Ерга яқинлашиши мумкин бўлган астероидни қидириб топиш ва жадвалга туширишга мўлжалланган «LONEOS» («The Lowell Observatory Near-Earth Object Survey») хизмати ишлаб турибди.

1

1998 йилда АҚШнинг Китт Пик обсерваториясида кўзгусининг диаметри 1,8 метр бўлган телескоп ёрдамида юқоридаги мақсадларга қаратилган «Spacewotch» («Фазовий кўриқхона») хизмати ишга туширилди. Бундан ташқари, Австралия, Франция, Россия, Украина, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда кўзгусининг диаметри 40 сантиметрдан 1,2 метргача бўлган ва кўп уяли ёруғлик «приёмник»лари – CCD камералар билан жиҳозланган телескоплар ёрдамида хавфли астероидлар қидирилмоқда. Ўзбекистонда бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институтида амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурларнинг асосий мақсади 10-15 йил давом этадиган кузатувлар асосида 1000 га яқин, ўлчамлари 1 километрдан ортиқ бўлган хавфли астероидларнинг орбита элементларини аниқлашдан иборат. Бунинг натижасида уларнинг Ерга реал хавфини бир неча йил олдин аниқлаш ва унинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин.

— Демак, бу борада илмий асосланган жадваллар ҳам тузилган бўлса керак.

— Ҳа, келажакда, аниқроғи, шу асрда Ер яқинидан ўтиши мумкин бўлган (улар 30дан ортиқ) астероидлар рўйхати тузилган. Унда Апофис астероиди 2036 йил 13 апрелда Ер шаридан 13 минг километр узоқ масофадан ўтиши қайд этилган.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, Ерга нисбатан Қуёш йўналишида ҳаракатланаётган астероидлар Ердан пайқалмай қолиши ҳам мумкин. Европа Космик Агентлигининг 2010 йилда парвози мўлжалланаётган «Gaia» автоматик станцияси ишга туширилгандан сўнг Ерга хавф солиши мумкин бўлган «кўринмас» астероидларни ҳам кузатиш имкони туғилади. Умуман олганда, «Gaia» станцияси осмон жисмлари ҳолатини аниқлашда тенгсиз бўлиб, ўлчаш аниқлиги Ердан туриб олиб бориладиган кузатишларникидан 30 баробар юқоридир. Бу станция ёрдамида ўлчами 1 километрдан катта бўлган астероидларнинг 95 фоизга яқинини аниқлашдан ташқари, «Gaia» тарихда биринчи бўлиб бу жисмларнинг тузилишини ўрганиб, уларни йўқ қилиб юборишга оид усулларни ҳам ишлаб чиқишга имкон беради.

— Энди шу кунларда катта шов-шувга сабаб бўлган Апофис астероиди ҳақида гаплашсак.

— Бу астероид 2004 йилнинг 19 июнида Китт Пик обсерваториясида Рой Тукер, Дэвид Толен ва Фабрицио Бемарди томонидан кашф этилган. Унинг ўлчами 300 километрдан ошиқроқ. Апофис (*«Apophis»*) қадимги Миср худоси Апопа (*«Apep»*)нинг юнонча номидир. Афсоналарга кўра, Апопа улкан илонга ўхшаш бўлиб, абадий ерости зулмат дунёси — Дуатада яшар ва Қуёшни йўқотиш учун пайт пойлаб ётар эмиш.

2

Нима учун Апофис ҳақидаги шов-шувлар ҳалигача тугагани йўқ?

Бунга сабаб у «қадимги Миср худоси»нинг ҳисоблаб қўйилган траекторияси бўйича 2029 йилда Қуёшга яқинлашади ва 2036 йилнинг 13 апрелида Ерга энг яқин масофадан ўтади.

Гап шундаки, ҳар қандай астероиднинг траекториясида «қулфланган қудуқлар» («keyholes») деб аталмиш соҳалар бор. Қуёш тизимидаги гравитация майдони тақсимотининг ғаройиб кўриниши бўлган бу «қудуқлар»нинг кенглиги тахминан 600 километр бўлиб, астероидлар улар яқинидан ўтаётганида ўз орбитасини бироз ўзгартириши мумкин. Апофис орбитасини ўрганиш ва ҳисоб-китоб қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2029 йилда сайёрамиз яқинидан ўтаётганида кенглиги бир неча минг километр бўлган «даҳлиз»га дуч келади. Бу «даҳлиз»да «қудуқлар»дан учтаси бўлиши мумкинлиги ҳам аниқланди. Бунда астероиднинг Ер билан тўқнашиш эҳтимоли 10 мингдан 1 га етади. Бу «учрашув»да бирор кор-ҳол бўлмаган тақдирда ҳам, 2036 йилга бориб астероиднинг Ер билан тўқнашиш эҳтимоли 15 мингдан 1 га тенг бўлади. Бундан ташқари, 2034 ва 2065 йиллар оралиғи учун яна бир нечта «сценарий» мавжуд бўлиб, уларда тўқнашиш эҳтимоли 15 мингдан 1 га ва 45 мингдан 1 га боради. Ушбу ҳисоб-китобларга суянган ҳолда, айтиш мумкинки, астероиднинг Ер билан тўқнашиб кетиш эҳтимоли жуда кам. Шундай бўлса-да, инсоният хавфни бартараф этиш учун тайёр туриши керак. Апофис 2007 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда ўз орбитасининг Қуёшга яқин бўлган ҳудудларидан ўтади. Шундан сўнг уни кузатиб туриш жуда қийинлашади. Шунинг учун ҳам олимлар унга радиопередатчик ўрнатиб қўйишни режалаштиришмоқда. Бу қанча тез ҳал этилса, шунча яхши, 2013 йилдан, жуда бўлмаганда 2014 йилдан кеч қолмаслик керак. Ундан сўнг эса NASA («National Aeronautics and Space Administration») астероидни бўлакларга бўлиб юборувчи ядровий каллакли ракетани тайёрлаб, уни учиришга улгуриши керак. Астероидни парчалаб юборишга муваффақ бўлинмаган ҳолда ҳам хавф бартараф этилади, чунки ракета зарбидан унинг траекторияси ўзгаради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, агар ракета 2029 йилда учирилса, Апофис траекториясини 800 метрга силжитиб юбориш ҳам кифоя қилади ва у 2036 йилда Ер билан тўқнашмайди. Агарда ракета юқоридаги муддатдан кеч учирилса, «зулмат худоси»нинг орбитасини 13 минг километрга силжитишга тўғри келади, лекин бунга ҳозирги замон техникасининг кучи етмайди. Шунинг учун ҳам NASA биринчи навбатда астероидни «тамғалаш», яъни унга радиопередатчик ўрнатиш бўйича ишларни бошлаб юборди.



3

Бу ишларнинг бошланишига АҚШ астронавти, «Аполлон» миссияси иштирокчиси Рассел Швайкарт тузган ва таркибига таниқли муҳандислар ҳамда астрономлар кирган «B612» хусусий жамғармасининг NASAга қилган мурожаати туртки бўлди. Бу ишлар дебоча холос, умуман олганда, «B612» хусусий жамғармасининг асосий мақсади 2015 йилга қадар инсониятни ҳар қандай астероидни «уриб тушириш»га тайёрлашдан иборат.

Яна шуни таъкидлашни истардимки, 2008 йилга бориб Ер билан тўқнашиши мумкин бўлган ва айланаси 960 километрдан кам бўлмаган фазовий жисмлардан 90 фоизининг траекториялари ҳисоблаб чиқилади.

2029 йилдан астероид Ерга яқинлаша бошлайди. Уни Европа ва ғарбий Африка аҳолиси тунги осмонда Қутб юлдузидан ёруғроқ кўринишда, юлдуз сифатида кузатишлари мумкин. Астероиднинг номи «зулмат худоси» деган маънони англатишини ҳисобга олиб, лойиҳа муаллифлари унга учириладиган «овчи» ракетанинг номини «Ра» деб аташни таклиф қилмоқдалар.

— Хабарингиз бор, шу йилнинг 18 — 20 февраль кунлари Сан-Францискода айнан шу мавзуга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Маълум бўлишича, шу конференцияда астрономлар, собиқ астронавтлар ва муҳандислардан иборат махсус гуруҳ тузилибди. Бу гуруҳнинг вазифаси ҳақида ҳам газетхонларни хабардор этсак.

— Мазкур гуруҳ 2009 йилгача БМТ қошида махсус хизматни ташкил этиш таклифини ишлаб чиқиши лозим. Бу хизматнинг вазифаси астероидларнинг Ер билан тўқнашуви хавфи даражасини аниқлашдан, хавф траекториясини ўзгартириш учун миссия жўнатишдан ва хавф кузатилиши мумкин бўлган ҳудудлардан одамларни хавфсиз жойларга кўчиришдан иборат. 2009 йилда Америка, Россия ва Европа экспертлари томонидан тайёрланган фазовий хавф ҳақидаги маъруза БМТга тақдим этилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Алимқул СУЛТОНОВ суҳбатлашди.

4

❖ Болалар спорти

«МАШЪАЛ»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

МУБОРАКНИНГ «МАШЪАЛ» ФУТБОЛ КЛУБИ ЧИРОҚЧИ ТУМАНИДАГИ ЎЙИНГОҲНИ ТАЪМИРЛАБ, БУ ЕРДА БОЛАЛАР ФУТБОЛ МАКТАБИНИ ОЧИШ ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИҚДИ

Бу рост. Муборакнинг «Машъал» футбол клуби хайрли ишга қўл урди. Чироқчи туман ҳокимининг мурожаатини қабул қилиб, ўзининг филиали — ёш футболчилар мактабини ташкил этиш режасини амалга ошира бошлади.

— «Машъал» футбол клубининг нафақат воҳада, балки мамлакатимизда ўз ўрни бор, — дейди туман ҳокими Нурулла Қаюмов. — Жамоа ажойиб спортчиларни камолга етказаяпти. Боз устига, спорт иншоотлари қуришда ҳам анча тажриба тўплаган. Туманимиз марказидаги стадион эса талабга жавоб бермасди. Ҳозир таъмирлаш ишлари бошланиб кетди...

Чироқчи шаҳридаги ўйингоҳ анча йиллар бурун қурилган, ёғин-сочинли кунларда мусобақаларни ўтказиш қийинлашарди. Биз борганимизда стадионда қурилиш жадал кетаётган экан. Томошабинлар ўтирадиган жойлар қайтадан тикланмоқда. Тупроқни шиббалаётган, бетон ғиштларни тераётган қурувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Шу жойда «Машъал» клубининг ижрочи директори Абдужалил Аралов билан учрашиб суҳбатлашдик.

— Ҳайрон бўлаяпсиз-а, — сўрайди Абдужалил Аралов. — Бу қурувчиларнинг барчаси ўзимизники — клубимизнинг жамоасидан. Чунки заруриятдан келиб чиқиб, алоҳида қурилиш бўлинмаси ҳам тузганмиз. Муборакдаги стадионимизни таъмирлашни ўзимиз уддаладик. Тўғри, дастлаб сал қийин бўлди. Кейин маҳоратли қурувчиларни жалб этдик. Спорт иншоотларида ишлаб малака ортирдик. Масалан, «Насаф» жамоасининг эски стадионини таъмирлашда ҳам қатнашганмиз.

— Замонавий стадион олдига бугун қўйилаётган талаблар кўп. Мисол учун, Қарши шаҳрида 20 минг томошабинга мўлжалланган янги ўйингоҳ қурилишида кўплаб янгиликлар жорий этилди. Бундан ижодий фойдаланиш мумкинми?



— Албатта, катта маблағ эвазига бунёд этилган бу стадион воҳада ягона, — эътироф этади Абдужалил. — Чироқчидаги ўйингоҳ эса 3 минг томошабинга мўлжалланган. Аммо ибратли ишлар изсиз кетмайди. Биринчидан, бу стадиондаги ўриндиқлар пластмассадан бўлади. Айниқса, футбол ўйналадиган майдон тубдан ўзгаради. Ёпиқ дренажлар ўрнатилади, натижада ёмғир сувлари ташқарига чиқариб юборилади. Бундан ташқари, шу жойда болалар футбол мактаби учун алоҳида бино ҳам қурилади. Футбол мактабида 20-25 нафар истеъдодли ёшлар тарбияланади.

— Бу саволни балки бермаслик керакмиди, рости, қизиқишим ортди. Бажариладиган ишлар қўлами анча маблағ талаб қиларкан. Шунга...

— Клубимиз камбағалми? — кулади Абдужалил. — «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси асосий ҳомийимиз. Бундан ташқари, Тошкентдаги «Зиромакс» компанияси ҳам беғараз ёрдам қўлини чўзаяпти. Бундай саховатпешаларга ҳар қанча раҳмат айтса арзийди...

Ҳақ гап. Аҳолиси уч юз минг кишига етган, саноат корхоналари унчалик ривож топмаган туманда бошланган бу ишлар қутлуғ. Ёш футболчилар мактаби ишга тушса, бу ерда чорвадор, ғаллакор, пахтакорларнинг фарзандлари орасидан энг қобилиятлилари саралаб олиниб, бу ерда тарбияланади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *Чироқчи тумани ҳокимлигининг тадбиркорлар билан ишловчи ходими Эшпўлат Ёдгоров (чапдан ўнга), «Машъал» футбол клуби ижрочи директори — қурилиш раҳбари Абдужалил Аралов, «Чироқчи» футбол клуби раҳбари Тўра Элмуродовлар; қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда.*

Ҳазрат ЭГАМБЕРДИЕВ олган суратлар

❖ Наврўз қатралари

УДУМ

Эргаш бобо тоғликларнинг таомилидан аллақачон чиқиб, кўпчиликка бутунлай унут бўлиб кетган эски бир удумни қилмоқчи бўлди. Азонлаб қўйнига бир ҳовуч буғдой солиб, кўчага чиқди.

«Ён қўшни — жон қўшни» — кўнглидан ўтказди. У эшик зулфини қоқди. Юз-қўлини ювиб улгурган Халил ота тез-тез келганча пастак табақали эшигини ланг очди.

— Қадамларига ҳасанот! — Етмиш йиллик қадрдонини кулиб қарши олди у.

— Ҳадемай Наврўз, жўра, йилнинг боши. Қани, уйингга кир. Қариганда сени бир қутлагим кеп қолди.

Қишлоқ тонги бағрига икки мўйсафиднинг барчага таниш дўриллаган кулгуси кирди.

— Нима, кампиринг чой қимадими? — ҳазил қилди Халил ота.

Эргаш бобо ичкарига кирди. Бўсаға олдида туриб, қўйни тўла донни уй саҳнига сочиб юборди. Халил отанинг кўзларида севинч балқиб, вужуди қалқиб кетди.

— Ҳе-ҳе, қитмир, йўқ нарсаларни қиб юрасан... Аммо раҳмат... Кўп раҳмат. Барака топ... Ризқимиз бутун бўлсин...

Меҳмон чиқиб кетиши билан Халил ота шолча устида сочилиб ётган тўқ мағиз, тилло ранг буғдой донларини битталаб териб олди. У наҳорлик ҳам қилиб ўтирмай, шошиб далага чиқди. Бир кун бурун тўнғич ўғли Ризоқул қўш ҳайдаган икки таноб ери экишга келиб турувди. Ота аввал уват четига ўтириб, бир дам хаёлга толди. Сўнгра ўрнидан даст турди-да, хонадонига тонг билан кириб келган ризқ — ўша бир ҳовуч уруғликни қулочкашлаб сепиб юборди.

— Ба-рака-асини беер-сиин! — дея ният қилди ва тоғ ортидан кўтарилиб келаётган қуёш сари юзланиб, кексалар одатига кўра, қўлларини юзига тортди.

ЕР ШАРИ

Нодира мактабдан қайтаётиб, укаларига шар сотиб олди. Эҳ, уларнинг қувончини кўрсангиз эди, шу топда: дунёда ким яхши, опалари яхши-да, албатта.

Лекин буни қарангки, нақ аксига олгандек кичкина Жавлоннинг шарида сурат йўқ эди.

— Ҳе-ее, Давйонникида қуён бой экан, менда йў-ўқ, – маъюс тортди у.

— Вой, хафа бўлдингми? Кел, ўзим чизиб бераман... — юпатди опаси уни. — Нима чизайин?

Жавлон ўйланиб турди. Уй саҳнига кўз югуртириб, стол устида турган глобусни кўрсатди.

— Анавуни чизинг, анавуни...

Нодира яшил қалам билан оқиш шар устига Ер шарининг шаклини чизди. Унинг бир қисмига йирик-йирик ҳарфларда: «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйди. Ўртасига пойтахт Қуранти белгисини қўйишди ва укасига: «Бу — Тошкент» деб кўрсатди.

Ака-укалар шарларига ип боғлаб кўчага отилишди... Кутилмаганда эсган мўътадил шамол Давроннинг қўлидаги шарни юлқиб олди-да, ҳавога кўтариб кетди.

— Ана-а, учиб кетди, — хафа бўлиб қолди у.

— Меники учмади, меники учмади? — турган жойида дикирдикир сакраб севинди Жавлон.

— Э, кўп мақтанма, ҳозир сеники ҳам учиб кетади, — жаҳли чиқди Давроннинг.

Жавлон дам акасига, дам шарига қараб турди-да, шари ипини қўлига маҳкам боғлаб олди.

— Ҳе-ее, меники учмайди, билдингми? Глобус ҳам учайканми!? У оғийй...

✧✧✧

Деразадан кузатиб туриб, Жавлоннинг сўзларидан чуқур ўйга толдим: ҳа, Ер шари учиб кетмайди. Унинг ўз ўқи бор. Бугун ва келажакнинг қўллари маҳкам тутиб турибди уни...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

❖ Ҳикматлар сандиғидан

АЁЛ АЗИЗ ВА МУКАРРАМДИР

- *Ёрим деган бандани Худо сийлар.*
- *Эр йигит ёрин қўриқлар.*
- *Ёр — ёрнинг ойнаси.*
- *Қиз болани бешикка сол, сепини сандиққа сол.*
- *Ёрнинг меҳри дарёдан кучли.*
- *Ёрнинг маҳрига эмас, меҳрига боқ.*
- *Синалмаган ёр — чақилмаган бодом.*
- *Содиқ ёр меҳнатда, сохтаси ғийбатда.*
- *Ёрингни елкангда тутсанг, онангни бошингда тут.*

Тўпловчи: Юнус ЗИЁДОВ

КРОССЧАЙНВОРД

1. Автомобилсозлар шаҳри. 2. Шимолий Америкадаги ярим орол. 3. «Паҳмоқ» йиртқич. 4. Отларга мансуб, ёввойи ҳайвон. 5. Муомаладаги нозиклик, латофат. 6. Вазн ўлчаш асбоби. 7. АҚШ етакчилигидаги иттифоқчи кучлар ҳарбий амалиётлар олиб бораётган Осиё қитъаси ғарбидаги мамлакат. 8. Ширинлик тури. 9. Пальто учун газлама. 10. Синф «стол-стули». 11. Қовун нави. 12. Уй жиҳози. 13. Рақамли соққалар билан ўйналадиган ўйин. 14. Урал дарёси бўйидаги музлатгичлар ишлаб чиқариладиган шаҳар. 15. Футбол анжомни. 16. Даниель Дефонинг экранлаштирилган романи қаҳрамони. 17. Сув йўналиши. 18. «Қизил» қайёра. 19. Махфий иш. 20. Фарғона водийсидаги кулолчилар маскани. 21. Тўппонча тури. 22. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 23. Марказий Осиёдаги денгиз. 24. Туркия валютаси. 25. Чанқовбости ичимлик. 26. Мўйнали жонивор. 27. Туркиядаги шаҳар. 28. Ўткир ҳидли пардоз ашёси. 29. Дераза асоси. 30. Муқаддас шаҳар. 31. АҚШ штатларидан бири. 32. Ижод маҳсули. 33. Ҳақиқат, чин. 34. Россиядаги вилоят (самаварлар юрти). 35. Рус шоҳмотчиси. 36. Денгиз йиртқичи. 37. Мўғулистон ҳудудидаги чўл. 38. Марварид, дур. 39. Инсон ҳаёти. 40. Илмий қўлланма. 41. Шимолий қутб. 42. Расул Ҳамзатов миллати. 43. Автомобиль маркаси. 44. Кўркам, шинам. 45. Тескари, акс. 46. Катта вақт оралиғи. 47. Дўконлар қатори. 48. Жўғрофий хариталар тўплами. 49. Шеър қатори. 50. Бокс майдони. 51....билгунча, иш бил. 52. Ўтин ёриш мосламаси. 53. Секин, оҳиста. 54. Ўткир ҳидли кимёвий модда. 55. Само, фалак. 56. Пойтахти Ломе ҳисобланувчи давлат. 57. Падар. 58. Шеърий вазн. 59. Катта хона. 60. Тоғ гули. 61. Азалий урф-одатлар мажмуи. 62. Аждод давомчиси. 63. Тоғлар оралиғидаги жарлик. 64. Зеб-зийнат учун ишлатиладиган қизил маъдан. 65. Фасл. 66. Матбаа корхоналаридан бири. 67. Гирдобли кучли шамол. 68. Бир воқеа баён этилган насрий асар.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Замин сайқали номи билан улуғланувчи шаҳар — 14, 6, 10, 6, 17, 15, 6, 2, 1.
2. Дунё томони — 11, 6, 17, 4.
3. Бинонинг олд томонидаги кўркам қисм — 17, 6, 16, 8, 1
4. Ҳосили тўпгул шаклидаги сабзавот — 13, 9, 3, 12, 6, 17, 6,
5. Кўплик олмоши — 4, 7, 5.

Энди шаклнинг ички қисмидаги ярим айланалардаги рақамларни очқич сўзлардаги ҳарфлар билан амаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан «Дастур ул-мулк» (Подшоларга қўлланма) асарини ёзиб қолдирган ватандошимиз Хожа Самандар Термизийга мансуб Ҳикматни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди



«ФУТБОЛ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

(газетанинг 2007 йил 3 март сони)

Шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофи бўйича: 1. Зидан. 2. Финал. 3. Лоран. 4. Феола. 5. Ҳимоя. 6. «Интер». 7. Тёрма. 8. Ҳакам. 9. Баджо. 10. Кубок. 11. Ҳужум. 12. «Милан». 13. Зарба. 14. Росси. 15. «Челси». 16. Папен. 17. «Насаф». 18. Жамоа.

ЧАЙНВОРД: *1. Тўп. 2. «Пахтакор». 3. Рональдо. 4. Очко. 5. Олимпиада. 6. «Ацтека». 7. «Адидас». 8. «Сантос». 9. «Спартак». 10. Коннаваро. 11. Оуэн. 12. Наката. 13. «Андижанка». 14. Абдураимов. 15. «Вентспилс». 16. «Севинч». 17. Чилаверт. 18. «Тойота». 19. Аргентина. 20. Англия. 21. Япония. 22. Якушин. 23. «Нант». 24. «Тўпаланг». 25. Гол. 26. Леманн.*

МУАММОНОМА: *Очқич сўзлар: 1. Марказ. 2. «Нефтчи». 3. Дуранг. 4. Раҳматуллаев. 5. Буффон. 6. Қўқон. 7. Жарима.*

Асарлар: «Футбол — қувончим, дардим, фахрим», «Мафтунингман футбол», «Ўзбегимнинг Миржалоли». Муаллифи — Ахбор Имомхўжаев.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 162-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
48
10
46
74
58
12
29
Сони: 1
Чангютгич
Сумма: 70000
Чипта рақами
10031133.1
2 ТУР
39
41
6
61
89
70
33
13
64
56
44
34
4
11
28
78
2

Сони: 1
Микротўлқинли
иситгич
Сумма: 100000
Чипта рақами
60037563.2
3 ТУР
77
86
24
1
8
35
15
88
21
50
19
76
32
9
62
Сони: 2
Сумма: 4000000
Чипталар
рақами
30018628.1
70029565.2
4 ТУР
67
31

3
45
66
72
16
26
65
37
68
27
42
25
18
87
63
38
23
22
71
43
Сони: 1
MATIZ
автомобили
Сумма: 8000000
Чипта рақами
50031638.1
5 Тур
85
Сони: 2
Сумма: 4000000
Чипталар
рақами
10021619.1
30016469.2
6 ТУР
83
Сони: 1
Байрамона
ютуқлар
тўплами
Сумма: 500000
Чипта рақами
60037318.2
7 ТУР
53
Сони: 1
Байрамона
ютуқлар
тўплами
Сумма: 500000
Чипта раками
20043593.1
8 ТУР
82
Сони: 2
Байрамона
ютуқлар
тўплами
Сумма: 500000
Чипталар
рақами
60014735.3
90011631.1
9 ТУР
5
Сони: 2
Байрамона
ютуқлар
тўплами
биттадан
Сумма: 500000
Чипталар
рақами
40026527.3
80027559.1
10 ТУР
20
Сони: 2
Байрамона
ютуқлар
тўплами
биттадан
Сумма: 500000
Чипталар
рақами
20007526.3
90034227.3
11 ТУР
7
Сумма: 10000
12 ТУР
30

Сумма: 7000
13 ТУР
69
Сумма: 5000
14 ТУР
36
Сумма: 3000
15 ТУР
90
Сумма: 2000
16 ТУР
54
Сумма: 1000
17 ТУР
14
Сумма: 1000
18 ТУР
51
Сумма: 1000
19 ТУР
60
Сумма: 1000
20 ТУР
55
Сумма: 1000
21 ТУР
47
Сумма: 1000
22 ТУР
17
Сумма: 1000

23 ТУР
79
Сумма: 1000
24 ТУР
84
Сумма:
1000
25 ТУР
52
Сумма:
1000
26 ТУР
73
Сумма:
1000
27 ТУР
75
Сумма: 1000
Қўшимча тур
Сумма:
3000
Халтадан чиқмаган шарлар:
40,
49,
57,
59,
80,
81

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2007 йил 22 мартдаги 163- тиражида ўйналадиган супер ютуқлар:

1, 2, 3- турларда ва 5-турдан бошлаб - ТЕЛЕВИЗОР (биттадан).
4 -турда -NEXIA автомобили.
Тиражда 100 тагача ТЕЛЕВИЗОР ва пул ютуқлари ўйналади.
22 март соат 18:20 да "Узбекистон" ТВда

Ютуқлар ҳар сешанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФсида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел.: 153-25-54, 153-26-60.

Пул ютуқлари "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

«Лаура» ХФ 2007 йил 10 мартдан бошлаб «Яхши Ният 50/50» лаҳзали пул-буюм лотереяси чипталарининг сотуви тўхтатилганлигини маълум қилади.
Барча даъволар 3 ой ичида қабул қилинади.

ЧФ «Лаура» извещает о том, что с 10 марта 2007 года прекращается реализация билетов мгновенной денежно-вещевой лотереи «Яхши Ният 50/50».
Все претензии принимаются в течение 3 месяца.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
14815 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O`zA yakuni — 20.00
Topshirilgan vaqti — 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda